

№2 (01.09.2020)

Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва инновациялар соҳасининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асослари бўйича

# ДАЙЖЕСТ

## Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари танловларида қатнашиш учун аризаларни шакллантириш ва расмийлаштириш қоидалари ва тартиби

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2020

# МУНДАРИЖА

Кириш........................................................................................................ 3

Глоссарий.................................................................................................... 5

Илмий фаолият ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга оид асосий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар............................................................... 7

Қуйилган мақсад ва вазифалар амалга ошириш шаклларига кўра илмий-тадқиқот лойиҳалари турлари ........................................................................ 8

Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида танлов ўтказиш ва молиялаштириш шакли ва усулига кўра лойиҳалар турлари .................... 9

Илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби......................................................................................................... 10

2020-2023 йилларга мўлжалланган илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари............................................................................... 14

Фундаментал, амалий ва инновациион лойиҳалар талаблари..................... 15

Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал ва амалий лойиҳалар танлови учун аризаларни рўйхатдан ўтказиш талаблари............................. 18

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги расмий веб-сайтида давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини эълон қилиш учун лойиҳа мавзуси матнига қўйиладиган талаблар.................................................................... 19

Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва саралаб олиш тартиби.................. 22

Коллегиал орган томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш.................................................................................................... 26

Танлов натижаларини эълон қилиш тартиби................................................ 27

Хулоса......................................................................................................... 30

Манбалар.................................................................................................... 33

Иловалар..................................................................................................... 34

# КИРИШ

*“Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб.”*
*Ш.М.Мирзиёев*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётининг замон талабларига мос равишда жадал ривожланишини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инновация ва илмий тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш масаласига таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Илм-фан соҳасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, илмий фаолият билан шуғулланувчи экспертлар, тадқиқотчилар, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида фаолият юритувчи професор-ўқитувчилар, докторантлар ҳамда мустақил тадқиқотчилар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Инновацион маҳсулотлар, янги ишланмалар, материаллар ва технологияларни яратиш, жорий этиш, кўп миқдорда ишлаб чиқариш, тарқатиш ҳамда уларни тижоратлаштириш масалалари илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ҳал қилиниши мазкур лойиҳаларни давлат буюртмаси асосида, иқтисодиётнинг реал секторларида мавжуд муаммо, ҳал қилиниши лозим бўлган, илмий, амалий ва технологик ечимлар учун мақсадли ва тизимлаштирилган механизм ташкил қилиш заруриятини юзага келтирди.

Миллий иқтисодиёт ҳамда инновация соҳаларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сон қонунлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 133-сон қарор асосида Давлат буюртмаси асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан илмий-тадқиқот лойиҳаларига буюртманомаларни шакллантириш ва амалга ошириш тартиби ҳақида дайжест тайёрлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Илмий-техник ахборот маркази томонидан мазкур дайджест ишлаб чиқилди.

Дайджест Давлат буюртмаси асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ҳамда тематик, мақсадли ва ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари танловида иштирок этишга доир амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар билан бойитилган услубий қўлланма сифатида илмий фаолият олиб борувчи олимлар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистрантлар, талабалар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Дайджестда Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий лойиҳалар танловида қатнашиш учун буюртманомаларни шакллантириш, тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказиш қоидалари ва тартиби, алоҳида аҳамиятга эга жиҳатлар, илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси ҳамда шакллари бўйича намуналар, илмий-техник экспертизадан ўтказиш талаблари, молиялаштириш тартиби, талаблари ва ажратилган маблағнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш борасида эътиборга олиниши лозим бўлган муҳим ташкилий жиҳатлар тўғрисида сўз боради.

Ушбу дайджестда келтирилган муҳим маълумотлар мамлакатда илмий фаолиятни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида келтирилган маълумот ҳамда ахборотларни чуқур тизимли ва очиқлик тамойилига асосланган таҳлиллар асосида, мавжуд тушунмовчиликлар ҳамда ноаниқликларга етарлича ойдинлик киритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Илмий-тадқиқот лойиҳасини шакллантириш ва буюртманомани тақдим этиш жараёни кетма-кетлиги изчиллик тамойили асосида, ҳар бир жараённи чуқур таҳлил қилиш орқали ёритиб берилган.

Бундан ташқари, дайджестда, Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий лойиҳалар танловида қатнашиш учун буюртманомаларни шакллантириш, тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнига тегишли муҳим илмий, амалий ва ташкилий атамаларнинг белгиланиши ва ифодаланиши (глоссарий) ҳам тақдим этилган.

# ГЛОССАРИЙ

**Академик ҳаракатчанлик** – илмий ходимларнинг ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўтказиладиган илмий тадбирларда иштирок этиши, тажриба алмашиши.

**Амалий тадқиқотлар** – амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимларни ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар.

**Бенефициар (лойиҳадан фойда олувчи)** – илмий-тадқиқот лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган шахс.

**Давлат буюртмаси** – илмий-тадқиқот лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш топшириғи.

**Ёш олимлар илмий-тадқиқот лойиҳалари** – илмий даражаси, унвони, мансаби ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшгача бўлган ёш олимлар иштирок этишлари мумкин бўлган илмий-тадқиқот лойиҳалари.

**Идоралараро илмий-тадқиқот лойиҳалари** – 2 ёки ундан ортиқ ташкилотлар томонидан биргаликда олиб бориладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари.

**Илмий экспертиза** – илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича асослантирилган қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хулоса тайёрлашга қаратилган фаолият.

**Илмий-тадқиқот лойиҳаси** – фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шаклида мақсад ва вазифалари, ижрочилари ва бажариш муддатлари, манбалари, воситалари (уларнинг шакллантириш манбаларидан қатъи назар) илмий ва (ёки) илмий-техник натижаларни, ноу-хау ва янги технологияларни олишга қаратилган ташкилий-техник ва бошқа зарур чора-тадбирлар мажмуи.

**Илмий-техник кенгаш** – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илмий лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш мақсадида тегишли фан йўналишлари бўйича соҳага оид олимлар, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан шакллантирилган ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа.

**Инновацион лойиҳалар** – амалга ошириш муддати, инфратузилмаси, ижрочилари, молиялаштириш манбаи ва ҳажмига эга инновацияни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадқиқотлар.

**Коллегиал орган** – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати.

**Лойиҳанинг ижрочи ташкилоти** – илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширувчи илмий фаолият субъектлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан шуғулланадиган бошқа ташкилотлар.

| | | |
|---|---|---|
| **Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари** | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган давлат сиёсати вазифаларининг илмий ечимини таъминлашга йўналтирилган, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган ўзига хос муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган, танлов ташкил қилиш учун альтернатив лойиҳа таклифларини шакллантириш имкони чегараланган илмий-тадқиқот лойиҳалари. |
| **Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари** | – | фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосида қабул қилинадиган, альтернатив лойиҳа таклифлари талаб қилинмайдиган илмий-тадқиқот лойиҳалари. |
| **Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари** | – | илмий фаолиятнинг илғор йўналишлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжлари ва муаммоларидан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқиладиган, молиявий ҳажми кўрсатилган, мавзу доирасида олинадиган якуний маҳсулоти аниқ акс эттирилган мунтазам равишда эълон қилинадиган, танлов асосида молиялаштириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари. |
| **Фундаментал тадқиқотлар** | – | табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақидаги янги билимларни олишга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, шунингдек, муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга қаратилган назарий ва (ёки) тажриба ўтказишга қаратилган тадқиқотлар. |
| **Халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари** | – | 2 ёки ундан ортиқ мамлакатлар томонидан биргаликда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари. |

# ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

01 Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” 29.10.2019 й. ЎРҚ-576-сон Қонуни.

02 Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида” 24.07.2020 й. ЎРҚ-630-сон Қонуни.

03 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 09.03.2020 й. 133-сон Қарори.

04 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 14.06.2018 й. ПҚ-3855-сон Қарори.

05 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 07.05.2018 й. ПҚ-3698-сон Қарори.

06 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 05.05.2018 й. ПҚ-3697-сон Қарори.

07 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 12.01.2018 й. 24-сон Қарори.

# ҚУЙИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИГА КЎРА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАЛАРИ ТУРЛАРИ




**Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларида илмий даражаси, унвони, мансаби ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшгача бўлган ёш олимлар иштирок этишлари мумкин.*

# ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИГА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ДОИРАСИДА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАКЛИ ВА УСУЛИГА КЎРА ЛОЙИҲАЛАР ТУРЛАРИ

## Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектларининг асосланган таклифлари, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга ҳамда тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот/технологияларга бўлган эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқиладиган **тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари.**

Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари уз ичига қуйидаги илмий тадқиқот лойиҳаларини олади:

- Фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари
- Амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари
- Инновацион илмий-тадқиқот лойиҳалари
- Ёш олимлар илмий-тадқиқот лойиҳалари
- Хорижий илмий-тадқиқот лойиҳалари

## Мақсадли лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, давлат дастурлари ва концепцияларда баён этилган вазифа ва топшириқларнинг ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган ўзига хос муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган **мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари.**

## Ташаббускор лойиҳалар

Илмий ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг асосланган таклифлари асосида фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ шакллантириладиган, тегишли илмий-техник кенгашда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра танловларсиз молиялаштириладиган **ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари.**

# ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

## 1. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби

| | Субъектлар | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Буюртмачи) | Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантириш учун таклифлар киритиш юзасидан давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда илмий фаолият субъектларига сўров юборади. Эълон матни урнатилган тартибда экспертизадан утказилади. Салбий хулосаси бўлган тақдирда, эълонга тавсия этилмайди. Ижобий хулосага эга бўлган мавзулар вазирликнинг расмий веб-сайтида эълонга берилади. | Мунтазам равишда |
| 2 | Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, махаллий давлат хокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари | Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларнинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот/технологияларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилади ва давлат буюртамасига киритиш учун асосланган таклифлар ишлаб чиқади ҳамда Буюртмачига тақдим этади. | Буюртмачи сўровига асосан ёки ташаббус тартибида |
| 3 | Буюртмачи | 1. Келиб тушган таклифларнинг йиғма рўйхатини шакллантиради, уларнинг такрорланишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, амалга оширилаётган ва аввал амалга оширилган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқади.<br>2. Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифларни кўриб чиқади, лойиҳа таснифи ва унга қуйиладиган талабларни ишлаб чиқади.<br>3. Илмий-тадқиқот лойиҳаларига давлат буюртмасини тасдиқлайди ва ўзининг расмий сайтида ва зарур ҳолларда бошқа оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилади. | Таклиф(лар) қабул қилингандан бошлаб 30 кун давомида<br>Бир хафта муддатда |
| 4 | Буюртмачи | 1. Қабул қилинган илмий-тадқиқот лойиҳаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади.<br>2. Дастлабки техник экспертизанинг:<br>-ижобий хулосаси бўлган тақдирда, илмий-тадқиқот лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш учун илмий-техник кенгашга юборади.<br>-салбий хулосаси бўлган тақдирда, бу лойиҳани тақдим этган муассасага камчиликларини бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қилади.<br>Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади. | 15 кун муддатда<br>3 кун муддатда |
| 5 | Илмий-техник кенгашлар | 1. Техник экспертиза натижаларига кўра ижобий баҳоланган илмий-тадқиқот лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади.<br>2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади. | 1 ой муддатда |
| 6 | Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг хайъати) | Молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларни кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилади. Коллегиал орган йиғилишида илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади. | 10 кун муддатда |
| 7 | Инновацион ривожланиш вазирлигиниг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган | Илмий-тадқиқот лойиҳаларини малиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қилади ва йиғилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади.<br>Коллегиал орган томонидан Жамоатчилик кенгашиниг тавсияси кўриб чиқилиб, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади. | 1 ой муддатда<br>10 кун муддатда |
| 8 | Коллегиал орган | Молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг якуний рўйхатини тасдиқлайди. | 10 кун муддатда |

# Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида тематик лойиҳалар мавзусини шакллантириш

Тематик лойиҳалар мавзулари давлат бошқаруви, хўжалик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий фаолият субъектларининг асосланган таклифлари асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Тематик лойиҳалар мавзулари вазирлик сўровига асосан ёки ихтиёрий равишда тақдим этилиши мумкин.

Юқори турувчи манфаатдор вазирликлар ва идоралар иқтисодий тармоқларида мавжуд муаммолар, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот лойиҳаси шакллантирилади, ташкилотнинг Илмий (Илмий-техник) кенгашида муҳокама қилинади ва тегишли баённома расмийлаштирилади ҳамда ташкилотнинг расмий йўлланма хати асосида Инновацион ривожланиш вазирлигига юборилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тематик лойиҳалар мавзуларини онлайн қабул қилиш учун электрон платформа ишга туширилган.

Бунинг учун вазирликнинг ***www.mininnovation.uz*** *расмий* веб-сайтидаги ***“Танловлар”*** бўлимидаги ***“Мавзу юбориш”*** интерактив хизматидан фойдаланилади.

https://mininnovation.uz/



## 2. Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби

| | Субъектлар | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Давлат бошқарувчи органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Буюртмачи | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари қабул қилинганидан кейин мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифларни Буюртмачига тақдим этади | Талабга кўра |
| 2 | Буюртмачи | 1.Қабул қилинган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади.<br>2. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича дастлабки техник экспертизанинг:<br>-ижобий хулосаси бўлган тақдирда, ҳужжатлар тўплами илмий экспертизани ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади;<br>-салбий хулосаси бўлган тақдирда, бу ҳақида лойиҳани тақдим этган муассасага камчиликларни бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қилади.<br>Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади. | Буюртмачи томонидан белгиланган талабларга кўра |
| 3 | Илмий-техник кенгашлар | 1. Тақдим этилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади.<br>2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади. | 15 кун муддатда<br>3 кун муддатда |
| 4 | Коллегиал орган | Молиялаштиришга тавсия этилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилади.<br>Коллегиал орган йиғилишида лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлик мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. | 15 кун муддатда |
| 5 | Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган | Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қилади ва йиғилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади.<br>Коллегиал орган томонидан мақсадли илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади. | 10 кун муддатда |

# 3. Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби

| № | Субъектлар | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Буюртмачи) | Устувор йўналишларга мувофиқ ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларига танлов эълон қилади. | Талабга кўра |
| 2 | Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, илмий фаолият субъектлари, хусусий компаниялар ва жисмоний шахслар | Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳалари эълонига мувофиқ лойиҳаларни тақдим этади.<br>Илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича лойиҳа талабномаларини Буюртмачи томонидан белгиланган талаблар ва шаклларга мувофиқ тақдим этади. | Буюртмачи томонидан белгиланган талабларга кўра |
| 3 | Буюртмачи | 1. Қабул қилинган ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади.<br>2. Лойиҳа хужжатлари бўйича дастлабки техник экспертизанинг:<br>-ижобий хулосаси бўлган тақдирда, хужжатлар тўплами илмий экспертизани ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади.<br>-салбий хулосаси бўлган тақдирда, бу ҳақида лойиҳани тақдим этган муассасага камчиликларини бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қилади.<br>Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади. | 15 кун муддатда<br><br>3 кун муддатда |
| 4 | Илмий-техник кенгаш | 1. Тақдим этилган ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади.<br>2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади. | 15 кун муддатда |
| 5 | Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг хайъати) | Молиялаштиришга тавсия этилган ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларни кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилади. Коллегиал орган йиғилишида лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. | 10 кун муддатда |
| 6 | Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган | Ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини малиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қилади ва йиғилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади.<br>Коллегиал орган томонидан ташаббускор илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор қабул қилинади. | 1 ой муддатда<br><br>10 кун муддатда |

# 2020-2023 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари***

1. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш;

2. Энергетика, энерготежамкорлик ва муқобил энергия манбалари;

3. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;

4. Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, сув муаммолари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;

5. Тиббиёт ва фармакология;

6. Кимё технологиялари, нефткимё ва нанотехнологиялар;

7. Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш);

8. Машинасозлик технологиялари;

9. Ўсимлик ва ҳайвонот олами биохилма-хиллигини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш;

10) Юқори тезликдаги транспорт воситалари ва уларни интеллектуал бошқарув технологиясини яратиш;

---

*Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши мажлисининг 2020-йил 16 майдаги 1-сон Баёни қарорига асосан

# ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАЛАБЛАРИ

## Фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- табиат, жамият, инсон, онг ва сунъий равишда яратилган объектларнинг тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятларини очишга қаратилган янги билимларни эгаллаш;
- илм-фаннинг муайян соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини назариялар, тушунчалар, методологиялар, усуллар, тавсиялар шаклида қўллаш мақсадида тадқиқ этиш;
- илм-фан назарияси ва методологиясини бойитишга, келгусида бажариладиган амалий тадқиқотлар ҳамда уларни амалий қўллашга қаратилган инновация ишлари учун асос сифатида хизмат қилиш.

## Амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ишлаб чиқариш ва/ёки ижтимоий, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янги конструкциялар, материаллар, усуллар, хизматларни яратишга ёки мавжудларини такомиллаштиришга хизмат қилиши;
- иқтисодиётнинг реал секторини шакллантиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш соҳасида энергия ва ресурсларни тежашни таъминлаш, миллий иқтисодиёт субъектлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг инновацион таркибини ва қўшимча қийматини ошириш;
- юқори технологияли маҳсулотлар намуналарини тайёрлаш ва/ёки ишланмаларнинг техник ва технологик синовларининг натижалари ва/ёки олинган илмий-техник натижани иқтисодиётнинг реал секторига жорий қилиш;
- илмий-техник маҳсулотлар ва унга илмий-техник ҳужжатлар тўпламини, шу жумладан лойиҳалаш ҳужжатларини ва/ёки технологик ҳужжатларни тасдиқлаш, лаборатория қоидалари ва/ёки техник шартлар ва паспортлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш.

## Инновацион илмий-тадқиқот лойиҳалари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- аввал бажарилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар асосида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган янги маҳсулот ва технологияларни яратиш, мавжудларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, таннархини пасайтириш, меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишни таъминлаш;
- кейинчалик улардан амалиётда фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган конструкторлик, тажриба намуналари, асбоблар, материаллар, буюмлар ва бошқа илмий ишланмаларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, ривожлантириш билан боғлиқ тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;
- юқори технологияга асосланган маҳсулотлар намуналари ёки прототипларини яратиш ва/ёки тажриба-лаборатория технологиясини татбиқ этиш, илмий ҳажмдор маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш учун янги турдаги хизматларнинг тажриба-синовини ўтказиш (соғлиқни сақлаш, банк-молия сектори ва бошқалар).

# Амалий ва инновацион лойиҳа раҳбарига қўйиладиган талаблар

Лойиҳа раҳбарига қўйиладиган талаблар:

- Лойиҳанинг илмий раҳбари тегишли илмий даражага эга бўлиши шарт
- Лойиҳани амалга оширишнинг тўлиқ муддати давомида лойиҳа раҳбари ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлиши керак
- Лойиҳа раҳбари аризани топшириш муддатидан аввал лойиҳа мавзуси бўйича “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда, рецензияланадиган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда сўнги 5 йил мобайнида чоп этилган қуйидаги миқдордаги ишларга эга бўлиши керак:

а) қуйидаги фан йўналишлари бўйича сўнги 5 йил мобайнида камида битта нашр иши:

- Филология, психология ва педагогика
- Иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари
- Археология фанлари
- Тарих ва бошқа ижтимоий фанлар

б) қуйидаги фан йўналишлари бўйича сўнги 5 йил мобайнида камида учта нашр иши:

- Математика ва физика. Механика фанлари
- Техника фанлари
- Ахборотлаштириш ва АКТ ривожлантириш
- Архитектура, қурилиши, дизайн ва шаҳарсозлик
- Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси
- Ўрмон хўжалиги
- Тиббиёт фанлари
- Фармакология ва фармацевтика
- Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар
- Ер тўғрисидаги фанлар
- Биология фанлари
- Кимё фанлари
- Ва бошқа устувор фан йўналишлари

Республиканинг турли ҳудудларидаги муассасалар билан ўзаро интеграцияни таъминлаш, у ердаги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган 40 ёшгача бўлган ёш олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, малака ва тажрибасини ошириш учун камида бир нафар ёш олим ёки тадқиқотчини лойиҳани бажарувчи жамоа таркибига киритиш керак.

Лойиҳа раҳбари танловда қатнашиши учун фақат битта дастур доирасида битта талабнома тақдим этишга ҳақли.

# ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ АСОСИДА БАЖАРИЛАДИГАН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА БАЖАРИЛАДИГАН ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИ УЧУН АРИЗАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАЛАБЛАРИ

## Аризаларни рўйхатдан ўтказиш талаблари

- Танловга аризалар танлов ҳужжатларининг 1-иловага мазмуни бир хил бўлган босма ва электрон шаклларда тақдим этилади*.
- Аризалар Инновацион ривожланиш вазирлигига ўзбек, рус ёки талабга кўра инглиз тилида тақдим этилади.
- Аризалар www.mininnovation.uz веб-сайти орқали рўйхатдан ўтказилади. Ахборот таҳлил тизими (АТТ) орқали ариза топшириш рақами олинганидан сўнг илмий тадқиқот институтларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари ёки олий ўқув юртларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари ариза ва қўшимча материалларни Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этишлари керак.
- Инновацион ривожланиш вазирлигига танловга оид қоғоз шаклда тақдим этилган лойиҳалар фақат илмий-тадқиқот институтлари илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари ва олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари имзолаган йўлланма хати асосида белгиланган муддатларда қабул қилинади.
- Аризанинг қоғоз нусхаси (жумладан, унга қўшимча материаллар) лойиҳа раҳбари ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланиши шарт.
- Вазирликка топширилган аризалар қайтарилмайди.
- Вазирлик лойиҳа раҳбарини ахборот таҳлил тизими орқали аризани рўйхатдан ўтказиш, аризанинг босма нусхасини олиш тўғрисида огоҳлантиради.
- Танловга тақдим этилган аризалар илмий ва илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича амалдаги ҳужжатларга ҳамда давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларини танлов асосида саралаб олишнинг танлов шартларига мувофиқ техник ва илмий экспертизадан ўтади.
- Лойиҳа раҳбари танловда иштирок этиш учун Вазирликка тақдим этилган аризани танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгунга қадар ёзма равишда билдирги бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Аризаларни топширишнинг охирги муддати ва вақти ҳар бир фан йўналиши бўйича берилган эълонда алоҳида кўрсатилади.

Лойиҳалар 7.32-2001 давлатлараро стандарти (ГОСТ 7.32-2001) бўйича расмийлаштирилади.

---

**Коронавирус пандемияси сабабли республикамизда эълон қилинган карантин шароитида лойиҳалар www.fan-portal.uz веб-саҳифаси орқали фақат электрон шаклда қабул қилинади. Бунда ижрочи ташкилотнинг йўлланма хати, илмий (илмий-техник) кенгаш қароридан кўчирма ва лойиҳа (имзо ва муҳр қўйилган ҳолда)нинг асл нусхаси сканердан ўтказилиб, pdf шаклида www.fan-portal.uz веб-саҳифасига юкланиши лозим.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИДА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ УЧУН ЛОЙИҲА МАВЗУСИ МАТНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1

Илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси номи 20 сўздан ошмаслиги керак.

Мавзу янги илмий ва амалий ечимлар асосида шакллантирилиши шарт

2

Илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси бўйича амалга ошириладиган тадқиқот шакли, мақсади 30-40 сўздан ошмаслиги керак.

Янги илмий, амалий ва инновацион ечимларни тўлиқ мужассамлаштирган ҳамда иқтисодиётнинг манфаатдор тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган маҳсулот ёки ишланма, технология ва бошқалар ишлаб чиқарилиши ва яратилиши билан боғлиқ бўлиши шарт.

3

Илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси вазифалари ва лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар 100 сўздан ошмаслиги керак.

Янги ва инновацион, илмий, услубий ва амалий ечимларни тўлиқ мужассамлаштирган ҳамда импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқилиши ва яратилиши билан, ёки ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга мўлжалланган тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишга қаратилиши билан боғлиқ бўлиши шарт.

4

Илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси бўйича тадқиқот натижалари синовдан ёки апробациядан ўтказилиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилиши шарт.

Тадқиқот натижалари манфаатдор ташкилот, саноат ёки ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоғи, тегишли аккредитацияга эга лабораториялар, ихтисослаштирилган хўжаликлар ва бошқаларда синовдан ўтказилиши ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5

Илмий-тадқиқот лойиҳаси натижалари бўйича интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олиниши, нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилиши кўзда тутилиши шарт.

# Лойиҳа матнини расмийлаштириш талаблари

Лойиҳанинг матни А4 стандарт қоғоз варағининг ҳар икки томонига жойлаштирилиши керак.

"Microsoft Word" матн редакторидан фойдаланиш тавсия этилади.




Сарлавҳа рақами иккинчи бетнинг пастки ўнг томонидан ёзилади.
Титуль вароғи рақамланмайди.

Лойиҳа раҳбари ва иштирокчиларининг нашр этилган илмий ишлар рўйхати (сўнгги 3 йил мобайнида нашр этилган илмий ишлар рўйхати қуйидаги хронологик кетма-кетлик бўйича рақамланади: монографиялар, патентлар, илмий мақолалар, илмий тўпламлар ва бошқа нашрлар) муаллиф ва илмий котиб томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

# Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини ИТКда тақдимот қилишда талаб қилинадиган маълумотлар

## Илмий-амалий лойиҳалари тақдимотига қўйиладиган талаблар:

- Лойиҳа номи, мақсади ва вазифалари.
- Лойиҳада таклиф қилинаётган масаланинг амалий ечими.
- Лойиҳада таклиф қилинаётган масаланинг илмий ечими.
- Ташкилотда лойиҳани бажариш учун моддий-техник базанинг мавжудлиги, ҳамда лойиҳа иштирокчиларининг етарли илмий салоҳиятга ва шу соҳада улкан тажрибага эгалиги.
- Лойиҳанинг бажарилиши натижасида олинадиган маҳсулотнинг бозори ва истеъмолчиси мавжудлигини кўрсатиш ва унинг халқаро ёки ички бозордаги аналоглари билан таққослама кўрсатгичлари (илмий, амалий, инновацион, ва иқтисодий).
- Лойиҳани бажариш натижасида кутилаётган натижалар (амалий, илмий, услубий ва ҳоказо).
- Лойиҳанинг иштирокчилари, уларнинг ва лойиҳа раҳбаринг охирги 5 йилдаги чоп этган мақолалар рўйхати ва иштирок этган лойиҳалар рўйхати (номлари ва йиллари ўрнатилган тартибда)*.
- Лойиҳа раҳбари томонидан илгари бажарилган лойиҳалари рўйхати, улардан олинган натижалар ва уларнинг жорий этилганлиги даражаси.

## Инновацион лойиҳалар тақдимотига қўйиладиган талаблар:

- Лойиҳа номи, мақсади ва вазифалари.
- Лойиҳада таклиф қилинаётган масаланинг илмий, амалий ва инновацион ечими.
- Лойиҳада таклиф қилинаётган масаланинг иқтисодий самарадорлиги кўсаткичлари (техник иқтисодий кўрсатгичлари).
- Ташкилотда лойиҳани бажариш учун моддий-техник базанинг мавжудлиги ва ҳаммолиячи ҳақида маълумот.
- Лойиҳанинг бажарилиши натижасида олинадиган маҳсулотнинг бозори ва истеъмолчиси мавжудлигини кўрсатиш ва унинг халқаро ёки ички бозордаги аналоглари билан таққослама кўрсатгичлари.
- Лойиҳани бажариш натижасида кутилаётган натижалар, амалиётга жорий қилинишини тасдиқловчи ҳужжатлар (ташкилотнинг розилик хати ва ҳоказо).
- Лойиҳанинг иштирокчилари, уларнинг ва лойиҳа раҳбаринг охирги 5 йилдаги чоп этган мақолалар рўйхати, ечилиши кутилаётган инновацион масала асосланган патентлар рўйхати ва илгари жорий қилинган илмий ечимлар ва ташкилотлар (номлари ва йиллари ўрнатилган тартибда) хақида маълумот.
- Лойиҳа раҳбари томонидан илгари бажарилган лойиҳалари рўйхати, улардан олинган натижалар ва уларнинг жорий этилганлиги даражаси.

# ЛОЙИҲАЛАРНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ВА САРАЛАБ ОЛИШ ТАРТИБИ

Буюртмачи томонидан ташкил этилган лойиҳалар танловига камида **2 та** ва ундан ортиқ ариза келиб тушса, танлов ҳақиқий деб топилади ва лойиҳалар ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилади.

Дастлабки ва қайта танлов натижаларига кўра фақат битта лойиҳа келиб тушган бўлса, лойиҳа раҳбари билан суҳбат ўтказилади. Суҳбат натижаси ижобий бўлган тақдирда лойиҳа тегишли илмий-техник кенгашга экспертиза учун йўналтирилади.

## I. Лойиҳаларни техник экспертизадан ўтказиш тартиби

**Техник экспертизажараёнида қуйидагилар ўрганилади:**

- Лойиҳадаги шаклларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги, имзо, муҳр ва штампларнинг мавжудлиги;
- Лойиҳани амалга ошириш жараёнида кутиладиган илмий ва амалий ечимларнинг такрорланмаслиги;
- Талаб асосида молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар мавжудлиги;
- Расмийлаштиришда техник хатолар ва ноаниқликлар йўқлиги.

Лойиҳа техник экспертиза натижаларига кўра ижобий баҳоланса → Лойиҳаларнинг илмий экспертизаси вазирлик ҳузуридаги илмий-техник кенгашлар (ИТК)лар томонидан ўтказилади.

Агар лойиҳа техник экспертиза жараёнида салбий баҳоланса, бу ҳақда ижрочи ташкилотга ёзма равишда маълум қилинади. Лойиҳа ижрочиларига **3 кун** муддатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун имконият берилади.

Танловга битта ариза келиб тушган ҳолларда вазирликнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи **5 иш куни** ичида лойиҳа раҳбари билан суҳбат ўтказади. Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган баён асосида лойиҳа илмий-техник кенгашда кўриб чиқиш учун тавсия этилиши ёки рад этилиши мумкин.

**Лойиҳаларнинг илмий экспертизаси вазирлик ҳузуридаги илмий-техник кенгашлар (ИТК)лар томонидан ўтказилади.**

Лойиҳаларнинг илмий экспертизаси вазирлик ҳузуридаги тегишли йўналишлар бўйича ИТКлар:

1. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш”
2. “Тарих ва ижтимоий фанлар”
3. “Филология, психология ва педагогика фанлари”
4. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ фанлари”
5. “Қишлоқ хўжалиги ва атроф муҳит муҳофазаси”
6. “Фармакология ва фармацевтика”
7. “Математика, физика. Механика фанлари”
8. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар”
9. “Тиббиёт фанлари”
10. “Ер тўғрисидаги фанлар”
11. “Кимё фанлари”
12. “Техника фанлари”
13. “Ўрмон хўжалиги”
14. “Археология фанлари”
15. “Биология фанлари”
16. “Архитектура, қурилиш, дизайн ва шаҳарсозлик”

## II. Лойиҳаларнинг илмий экспертизасидан ўтказиш тартиби

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган илмий лойиҳалар давлат илмий экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Илмий экспертиза мақсади:

- **Лойиҳанинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини** баҳолаш.
- **Техник ва иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш имкониятларини** аниқлаш.
- Ижрочи ташкилотда тадқиқотни амалга ошириш учун **моддий-техник база ҳамда илмий салоҳиятнинг етарли эканлигини** аниқлаш.
- **Жамоа томонидан эришилган илмий ютуқлар ва натижалар мавжудлигини** аниқлаш.
- Лойиҳани амалга оширишда кутилаётган **натижаларга босқичма-босқич эришиш жараёнини танқидий баҳолаш.**

Эксперт сифатида тегишли соҳада етарли даражада билим ва малакага эга бўлган, экспертиза қилинаётган ишга холис ёндаша оладиган, илмий даражага эга бўлган мутахассислар, жумладан хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Илмий экспертизада унинг натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

Илмий экспертиза муддати ИТКга лойиҳа келиб тушган санадан бошлаб **1 ойдан** ошмаслиги керак.

Илмий экспертиза **2** босқичда ўтказилади

**1-босқич**

Экспертлар лойиҳа талабномасини 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқади. Текширув натижаларига кўра, ҳар бир эксперт лойиҳа бўйича ўзининг эксперт хулосасини беради ва уни 100 баллик шкала бўйича баҳолайди

- Агар экспертларнинг фақат биттаси лойиҳа талабномасини 60 баллдан юқори баҳолаган бўлса, ИТК учинчи эксперт томонидан қўшимча экспертиза тайинлайди. Агар учинчи экспертнинг баҳоси 60 баллдан паст бўлса, лойиҳа талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.
- Агар иккала эксперт лойиҳа талабномасини 60 баллдан паст баҳоласа, лойиҳа талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.
- Агар иккала эксперт ҳам лойиҳа талабномасини 60 баллдан юқори баҳолаган бўлса, у илмий экспертизанинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Бунда агар эксперт баҳоларидаги фарқ 25 баллдан юқори бўлса, ИТК экспертиза натижаларини аниқлаштириш учун учинчи экспертни қўшимча экспертиза учун тайинлайди.

**2-босқич**

Илмий экспертизанинг иккинчи босқичида лойиҳалар ИТК йиғилишида очиқ муҳокама (тақдимот) шаклида кўриб чиқилади. Илмий лойиҳанинг раҳбари илмий лойиҳа тақдимоти билан ИТК йиғилишларида қатнашади.

# Тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича ўтказиладиган илмий экспертизани баҳолаш мезонлари

## 1. Фундаментал тадқиқотлар учун:

- Ташаббускор лойиҳаларнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги;
- Лойиҳанинг мақсадли танлов мавзуси ва шартларига мувофиқлиги;
- Мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг янгилиги ва ушбу йўналишда илмий натижаларнинг мавжудлиги ва даражаси ҳамда янги билимларни олиш, янги назариялар, усуллар, тушунчаларни яратишга қаратилганлиги;
- Тадқиқот мавзуси бўйича зарур илмий салоҳият ва илмий маълумотларнинг мавжудлиги (юқори малакали олимлар жамоаси, сўнгги беш йил ичида нашр этилган илмий нашрларнинг сони ва сифати, патентларнинг мавжудлиги, етакчи миллий ва хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликнинг мавжудлиги ва бошқалар);
- Лойиҳа ижрочилари таркибида 35 ёшгача бўлган ёш олимларнинг мавжудлиги, уларнинг сони ва сифат хусусиятлари;
- Зарур моддий-техник базадан (бинолар, жиҳозлар, инвентарлар, дастурий таъминот, маълумотлар базаси, ахборот ресурслари ва бошқалар) фойдаланиш имконияти;

## 2. Амалий лойиҳалар учун:

- Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий муаммоларни ҳал қилиш учун янги усулларни ўрганишнинг кутилаётган самараси;
- Тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш имконияти, шу жумладан саноат ҳамкори ва лойиҳани амалга оширишдаги томонлар ҳиссасини баҳолаш;
- Лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган натижалар: илмий-техник ҳужжатлар тўпламини (технологик ёки лаборатория регламентлари, техник паспорт, техник шартлар, лойиҳалаш ҳужжатлари ва бошқалар), экспериментал (лаборатория, ишлаб чиқариш, клиник) синовларни ўтказиш учун янги ёндашувлар ва усулларни ишлаб чиқиш;
- Лойиҳа ижрочилари таркибида 35 ёшгача бўлган ёш олимларнинг мавжудлиги (докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар, бакалаврлар);
- Зарур салоҳият — илмий (ушбу масала бўйича юқори малакали олимлар жамоаси) ва моддий-техник ресурслар (асбоблар, ускуналар, материаллар ва бошқа воситалар)нинг мавжудлиги;
- Лойиҳа ижрочиларининг илмий салоҳияти: илмий нашрларнинг мавжудлиги (хорижий нашрларда мақолалар, патентлар ёки бошқа илмий ҳужжатлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари, дастурий маҳсулотлар), шунингдек, сўнгги беш йил ичида нашр этилган халқаро ва миллий конференцияларда илмий мақола ва тезислар;

## 3. Инновацион лойиҳалар учун:

- Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар: импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш (тайёрлаш) учун илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишни (тасдиқлаш) режалаштириш;

- Лойиҳани тижоратлаштириш истиқболлари ва саноат ҳамкори даражасини ва лойиҳани амалга оширишга қўшган ҳиссасини баҳолаш (маҳсулот маълум бир истеъмолчи учун мос бўлган бозорга кириш ва аниқ истиқболга эга бўлиши керак);

- Инновация объектига талаб даражаси: маҳсулотга (технология, ишланма) талаб — саноат ҳамкори ва (ёки) бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лойиҳани амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратишда кафолатлар мавжудлиги (лойиҳани амалга оширишга қизиқиш, зарур материаллар ёки бошқа манбаларни тақдим этишда иштирок этиш);

- Муҳофаза қилинадиган ҳужжатларнинг мавжудлиги: патент (дастурий маҳсулот учун гувоҳнома) ва таклиф қилинаётган маҳсулот (технология) учун илмий-техник ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами ёки техник регламент, синов сертификати, техник шартлар, эълон қилинган илмий мақолалар, патентга (дастурий маҳсулотга) топширилган талабнома (сертификат) ва ишлаб чиқарилган лаборатория регламентлари, лаборатория синовлари;

- Лойиҳа ижрочиларининг тегишли илмий-техник ёки инновацион фаолият ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича амалий тажрибасининг мавжудлиги: маҳсулот тажриба намунасининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотнинг илмий-техник ёки ишчи тажриба-технологик ҳужжатлари ва/ёки маҳсулотнинг лаборатория, тажриба намунасининг мавжудлиги;

- Ишлаб чиқариш базасининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси: ишлаб чиқариш базаси, асбоблар, ускуналар ва бошқа зарур инфратузилма мавжудлиги ёки режалаштирилаётганлиги (лойиҳани амалга ошириш пайтида), шунингдек, маҳаллий ресурслар (хом ашё ва бутловчи қисмлар) билан таъминланганлиги (мавжудлиги).

# КОЛЛЕГИАЛ ОРГАН ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ

Экспертиза натижалари Илмий-техник кенгаш томонидан **10 кун** муддатда коллегиал орган – **Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъатига** кўриб чиқиш учун тақдим этилади

- ИТКлар томонидан молиялаштиришга тавсия этилган лойиҳалар вазирлик Ҳайъатида муҳокама қилинади. Ҳайъат йиғилишига қабул қилинган қарорларга ва тавсияларга тушунтириш бериш учун ИТК раислари таклиф қилиниши мумкин.
- Ҳайъат кўрсатмасига мувофиқ лойиҳалар ИТКга қайтарилиши, ИТК томонидан лойиҳа раҳбарини жалб этган ҳолда қайта ишланиб, унинг мавзуси ва таркибига қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.
- Молиялаштиришга тавсия этилган лойиҳаларнинг якуний рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор вазирлик Ҳайъатига ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб **10 иш куни** мобайнида қабул қилинади.
- Ҳайъат йиғилишида низо юзага келган тақдирданизоли лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлигиҳузуридаги Жамоатчилик кенгашида кўриб чиқишучун йўналтирилади.
- Жамоатчилик кенгаши **1 ой муддатда** лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш бўйича ўз тавсиясини Ҳайъатга тақдим этади.
- Ҳайъат қарори қабул қилинган санадан бошлаб **15 кун** муддатда лойиҳа вазирлик, ижрочи ташкилот ва лойиҳа раҳбари билан белгиланган тартибда шартнома имзолаши зарур.
- Шартномада молиялаштириш шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари назарда тутилади*.
- Коллегиал орган лойиҳаларни тўғри ва холис баҳолаганлигини текшириш мақсадидақўшимча экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга, лойиҳаларни ИТКга қайта ишлаш учун қайтаришга ҳақли. Қўшимча экспертиза ўтказиш тартиби коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

---

*Календар-тақвимий режа (ишчи режа) – шартноманинг ажралмас қисми бўлган режада белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилиши шарт.*

# ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Танлов натижалари Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъати қарори билан тасдиқланади.

Танлов натижалари бўйича ғолиблар рўйхати танлов якунлари (натижалари) тасдиқланган санадан бошлаб 10 кун ичида вазирликнинг сайтида эълон қилинади.

Танлов натижалари тасдиқланганидан кейин 15 иш куни ичида ахборот таҳлил тизими орқали шартнома матни ғолиб бўлган лойиҳа раҳбарларига қуйидагиларни кўрсатган ҳолда имзолаш ва расмийлаштириш учун юборилади:

- илмий тадқиқот йўналиши;
- илмий тадқиқотни амалга ошириш учун иш режаси ва харажатлар сметаси;
- лойиҳа раҳбарининг лойиҳа бажарилиши бўйича оралиқ ва йиллик ҳисоботларни тақдим этиб бориш мажбурияти;
- ташкилотнинг илмий жамоани зарур бинолар, ускуналар ва материаллар билан таъминлаш, шунингдек, илмий тадқиқотлар учун мавжуд экспериментал базага кириш мажбурияти;
- ташкилот раҳбарининг илмий жамоа аъзоларининг ҳар бири билан грант ажратилиши билан боғлиқ тегишли фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаларини тузиш мажбурияти;
- ташкилотнинг лойиҳа раҳбари томонидан берилган ёзма сўровига кўра, илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун мукофот пули тўлаш мажбурияти;
- ташкилотнинг грант харажатларининг алоҳида ҳисобини юритиш (грант бўйича қўшимча харажатларни ҳисобга олиш) ва мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот бериш мажбурияти;
- мониторингда қатнашиш мажбурияти;
- вазирлик томонидан грант маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолати аниқланган, шунингдек, шартнома муддати тугагандан кейин фойдаланилмаган грант маблағлари мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ўртасидаги шартномани бекор қилиш ва/ёки грант маблағларини қайтариш (қисман қайтариш) тартиби ва шартлари;
- грантдан фойдаланиш билан алоқадор томонлар – вазирлик, лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

# Илмий лойиҳа шартномасини расмийлаштириш тартиби

## Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида шартнома тузиш шартлари

- Ахборот таҳлил тизими орқали қабул қилинган шартнома лойиҳаси 15 иш куни ичида лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади.
- Ахборот таҳлил тизими орқали шартнома лойиҳаси қабул қилингандан кейин 15 иш куни ичида лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг ваколатли мансабдор шахси имзоланган шартномани, лойиҳа раҳбари ёки ташкилот ташаббуси билан шартномани имзолаш рад этилса, бунинг асосини вазирликка тақдим этилиши шарт. Белгиланган муддатга амал қилинмаган тақдирда вазирлик лойиҳа раҳбари ва ташкилот томонидан шартнома имзоланишининг кечиктирилиши тўғрисида хабардор қилинади.
- Белгиланган тартибда 5 иш куни мобайнида шартнома вазирликка тақдим этилмаса, тегишли лойиҳа ғолиб лойиҳалар рўйхатидан чиқариб ташланади, бу ҳақдаги хабарнома вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.
- Илмий лойиҳалар шартномада кўрсатилган мазмун ва шартларга мувофиқ амалга оширилиши шарт.

## Лойиҳага ажратилган маблағлардан фойдаланиш

- Илмий лойиҳага ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилганлик ҳолатини аниқлаш шартноманинг бекор қилиниши ва/ёки шартномада кўрсатилган тартибда пул маблағларини қайтариш (қисман қайтариш) учун асос бўлади.
- Илмий лойиҳага ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланганлик учун лойиҳа раҳбари ва ижрочи ташкилот жавобгар бўлади.
- Лойиҳага ажратилган маблағнинг камида 40% илмий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларнихарид қилишга,юқори қийматга эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришга йўналтирилиши шарт.

# Илмий лойиҳаларни бошқа манбалардан молиялаштириш тартиби

1. Давлат буюртмаси асосидаамалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамдаилмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадидажалб қилинадиган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Тармоқ ва саноат корхоналари муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий лойиҳалар тармоқ ва саноат корхоналари билан келишувлар асосида тенг шерикликда молиялаштирилиши мумкин.

3. Ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари,тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамдатурларини аниқлаш тартиби Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Лойиҳа доирасида харид қилинган илмий асбоб-ускуналар негизида ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ташкил этилиши мумкин.

5. Вазирлик Ҳайъати томонидан лойиҳаларнинг молиялаштирилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида маълумотлар ижрочи ташкилотларга етказилади.

# ХУЛОСА

Маълумки, илм-фаннинг ривожланиш даражаси жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, шу билан бирга давлатнинг замонавий ривожланиш кўрсаткичидир.

Илм-фан ривожини талаб қиладиган энг янги технологияларни муваффақиятли ўзлаштириш, замонавий сиёсий ва иқтисодий мусобақада етакчи ўринни эгаллаш ҳамда жаҳон аренасида етакчи мавқега эга бўлиш каби мақсадлар илм-фан соҳаси ривожи учун молиявий, ахборот, ишлаб чиқариш, интеллектуал воситаларни таъминлашни талаб қилади.

Ҳозирги босқичда илм-фан жамият фаровонлиги йўлида муҳим ўрин тутади ва янги билимларни яратиш, такомиллаштириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун ҳаракат қилади. Ҳам илмий, ҳам ишлаб чиқариш соҳаларида илмий-тадқиқот фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тадқиқот жараёнларига тегишли таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омиллар ва шароитлар таъсирида шаклланади.

Билимлар ва инновацияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш нафақат бутун дунё, балки янги Ўзбекистоннинг олдида турган муҳим мақсадлардан ҳисобланади. Бу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси эълон қилинди. Фармон лойиҳасида илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида илм-фанга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш; илм-фан ва инновациялар соҳасига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий қилиш, илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш белгиланмоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсат натижаси ўларoқ, кейинги бир йилда соҳага доир 11 фармон ва қарор қабул қилингани қайд этилди. Хусусан, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли қарорлар, Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМ-606-сонли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳага қаратилаётган эътиборнинг жиддийлигидан далолат беради.

Ўзбекистон давлат статистикаси қўмитаси тақдим этган маълумотларга кўра, 2019 йилда иқтисодий фаолият ва иш турлари бўйича ташкилотлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар ҳажми 853404,4 млн сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 680038,0 млн сўмни ташкил этган. Бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар сони жами 17845 тани ташкил этиб улардан 3357 таси кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилди.

2019 йилда фан соҳалари бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига харажатлар 602281,4 млн. сўмни ташкил этди, 2017 йилга нисбатан 73503,9 млн. сўмга ортган.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти бўйича 2019 йилда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 3916 таниташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 772 тага ортган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуш ишлаб чиқариш саноатида кузатилиб 2033 та ташкилотда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарилган.

Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз) жами 26811437,5 млн. сўмни ташкил этди.

2017 йилга нисбатан таққосланганда, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, молиялаштириш манбалари бўйича 1896263,1 млн.сўмга ортиган, жами 6603474,9 млн.сўмни ташкил этди. Ижобий ўзгариш сифатида тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида 1060055,4 млн.сўм маблағ молиялаштирилганини кузатиш мумкин, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 558513,0 млн.сўмга ортган.

2019 йилда жорий қилинган инновациялар сони жами 4427 тани ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 1945 тага ортган. Жами жорий қилинган инновацияларнинг 3543 таси маҳсулотлар, 884 таси жараёнлар бўйича, 128 таси маркетинг ва 13 таси ташкилий инновациялардир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиётни ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4699-сонли қарорида келтирилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиётни ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли қарорига биноан электрон ҳукумат доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторида 5,3 триллион сўмлик 87 лойиҳа, телекоммуникациялар соҳасида 15,1 триллион сўмлик 35 та лойиҳа, IT-паркларда 18 та ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 24 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда мамлакатда илм-фан бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланган Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат буюртмаси асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш механизми қуйидаги муҳим шартларни назарда тутади:

- фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуларини шакллантиришда муайян йўналишда бажарилган амалий ҳамда инновацион илмий-тадқиқот лойиҳалари натижалари, шу билан бирга, тармоқ муаммолари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тармоқ ташкилотларининг инновацион марказлари билан ҳамкорликда илм-фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясидан келиб чиққан вазифаларни акс эттириши лозим;

- амалий ҳамда инновацион илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда кутиладиган натижаларнинг экспортга йўналтирилганлиги, импорт ўрнини босишга мўлжалланганлиги, ишлаб чиқариш технологиялари ва жараёнларини маҳаллийлаштиришга қаратилганлиги, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини сезилари ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи янги замонавий технологиялар, миллий лабораториялар яратишнинг босқичма-босқич тартиби назарда тутилиши лозим;

- халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари, ташкилотлараро ҳамкорликда бажариладиган йирик ҳамда муайян бир тор ихтисосликка бўйича илмий ва амалий вазифаларни ечишга қаратилган лойиҳалар (сунъий интеллект) кўп параметрли, фанлараро ўзаро синергия тамойилларига асосланган илмий вазифалар негизида шакллантирилиши лозим. Бунда халқаро илмий-тадқиқот лойиҳасини бажаришда ҳар бир ҳамкор давлат бажарувчи ташкилоти томонидан амалга ошириладиган муайян илмий ва амалий вазифалар, кутиладиган натижалар муваққат меҳнат жамоасининг илмий салоҳияти ва тажриба ҳамда малакаси, моддий-техник базаси имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқдир;

- ёш олимлар илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда илм-фан соҳасида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириб келаётган, дунё илмий ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнини топиш йўлида муҳим қадамлар ташлаб, аҳамиятли натижаларга эришган иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакат илм-фан салоҳиятини юксалтиришда маҳаллий олимлар томонидан илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш жараёни муҳим ўрин тутади. Давлат буюртмаси асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари мамлакат иқтисодиёти тармоқларида мавжуд муаммоларни муайян ташкилот доирасида, халқаро ҳамкорлик доирасида, ташкилотлараро ечишга қаратилган, устувор илм-фан йўналишлари доирасида, бугунга қадар илм-фан ва технология бўйича эришилган ютуқлар негизида ҳамда яқин келажакда барча иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш юзасидан илмий башоратларга асосланган ҳолда амалга оширилиши мамлакат академик ва олий таълим соҳаси олдида турган долзарб вазифадир.

Жаҳон миқёсида янги ривожланиш босқичига, яъни 6-7 технологик ривожланиш даражасига эришиш олимларимиздан ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳасини шакллантиришда мавжуд салоҳият, эришилган илмий ва амалий ютуқлар негизидаги улкан тажриба, моддий-техник базавий имкониятлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро коллаборацияда ишлаш, ташкилотлараро ва халқаро йирик лойиҳаларни амалга оширишда илмий ва амалий вазифаларни консорциумда фаолият олиб бориш асосида ечишда кластерли ёндашувни қўллаш, илмий фаолият натижалари ҳамда ютуқларни дунё илмий ҳамжамиятига ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида, кўчирмачиликларсиз тақдим этиш орқали рейтингда юқорилашни таъминлаш каби муҳим вазифаларни сидқидилдан бажариш заруриятини юклайди.

Зеро, шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”.

# МАНБАЛАР


1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида” 24.07.2020 й. ЎРҚ-630-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 09.03.2020 й. 133-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” 29.10.2019 й. ЎРҚ-576-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 14.06.2018 й. ПҚ-3855-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 07.05.2018 й. ПҚ-3698-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 05.05.2018 й. ПҚ-3697-сон Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 12.01.2018 й. 24-сон Қарори.

# ИЛОВАЛАР

*1-илова*

# Фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот лойиҳаси шакллари намуналари

**«Т» шакл. Аризанинг титуль варағи**

<table>
<tr><td colspan="2" rowspan="2">Лойиҳа номи:</td><td colspan="2">Лойиҳа номери:</td></tr>
<tr><td colspan="2">Фан йўналиши:</td></tr>
<tr><td colspan="2">Лойиҳа раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи:<br>________________________________</td><td colspan="2">Лойиҳа раҳбарининг телефон рақами ва электрон манзили<br>______________________________________</td></tr>
<tr><td colspan="4">Лойиҳани молиялаштиришни амалга оширадиган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:</td></tr>
<tr><td colspan="2">Лойиҳани молиялаштириш ҳажми (минг. сўм.) 20__ йилда.</td><td>Лойиҳани бошлаш йили: 20__</td><td>Лойиҳани тамомлаш йили: 20__</td></tr>
<tr><td rowspan="9">Асосий иштирокчиларнинг фамилияси, исми, шарифи (тўлиқ)</td><td colspan="3">1.</td></tr>
<tr><td colspan="3">2.</td></tr>
<tr><td colspan="3">3.</td></tr>
<tr><td colspan="3">4.</td></tr>
<tr><td colspan="3">5.</td></tr>
<tr><td colspan="3">6.</td></tr>
<tr><td colspan="3">7.</td></tr>
<tr><td colspan="3">8.</td></tr>
<tr><td colspan="3">(лойиҳа раҳбари ушбу жадвалда кўрсатилмайди)</td></tr>
<tr><td colspan="4">Аризани тайёрлашда учинчи шахсларнинг ва/ёки ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан материалларни Вазирликка тақдим этиш ва уларни Вазирлик томонидан экспертизасини ўтказиш ва оммалаштириш бўйича муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлайман (ариза аннотацияси кўринишида).</td></tr>
<tr><td colspan="2">Лойиҳа раҳбарининг имзоси<br>___________________________/______________/</td><td colspan="2">Аризани рўйхатдан ўтказиш санаси</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ташкилот раҳбарининг имзоси<br>Ф.И.Ш:____________________________________/<br>________________________________________/<br>Ташкилот муҳри (мавжуд бўлса).</td><td colspan="2"></td></tr>
</table>

*1-илованинг давоми*

## 1-шакл намунаси

1-ШАКЛ.

1.1 Лойиҳа тўғрисида маълумот
Лойиҳа номи:
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
Илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналиши:
1.2 Калит сўзлар (15 та атамадан ортмасин)
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
Лойиҳа аннотацияси (ҳажми 1,5 варақдан ортмасин; жумладан, қисқача – юқорида қайд этилган илмий муаммолар ва илмий янгиликларни ҳал этишнинг долзарблиги)
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
Кутилаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти (кутилган натижалар ва уларнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятга эгалиги (режалаштирилган натижаларнинг жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига мувофиқлиги, лойиҳада режалаштирилган натижаларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалиётга татбиқ этиш имкониятлари)
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
1.3 Илмий жамоа таркибига киритилади:
Лойиҳа ижрочилари (шунингдек, раҳбари), шу жумладан:
40 ёшгача бўлган ижрочилар, улардан:
докторантлар (адъюнктлар, интернлар, ординаторлар, магистрантлар, мустақил- изланувчилар, талабалар):
1.4 Лойиҳани амалга ошириш даври учун илмий жамоанинг режалаштирилган таркиби: жамоа аъзолари исми, фамилияси, шарифи (мавжуд бўлса), уларнинг ариза бериш чоғидаги ёши, илмий даражалари, лавозими ва асосий иш жойлари, ташкилот билан муносабат шакли (фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаси:
Илмий жамоа аъзолари илмий-техник салоҳиятининг лойиҳа вазифаларига мувофиқлиги:
1.5 Лойиҳани молиялаштириш ҳажмининг йиллар бўйича тақсимоти (минг. сўм.да кўрсатилади):
20__ й. –________________________, 20__й. –___________________________,
1.6 Илмий жамоа лойиҳани амалга ошириш жараёнида унинг натижалари бўйича “Фан тармоғи” (Web of Science Core Collection) или “Скопус” (Scopus) маълумотлар базасида индексланган хорижий нашрларда камида _________ та нашр ишини эълон қилади.
1.7 Лойиҳа натижаларини чоп этиш учун мўлжалланаётган илмий нашрлар ҳақида маълумот, шу жумладан, “Web of Science Core Collection”, “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрлар, шунингдек, мақола, шарҳ, монография ёки бошқа турдаги нашр ишлари кўрсатилади.
Илмий жамоа томонидан режалаштирилган халқаро лойиҳалардаги иштирок (режалаштирилган бўлса):

**Лаборатория ҳақида маълумот**

1.8 Тўлиқ номи:
Лаборатория ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат рақами ва санаси, лаборатория веб-сайти (агар мавжуд бўлса):
Қисқартирилган номи
*ўзбек тилида:*
*рус тилида:*
1.9 Лаборатория илмий фаолиятининг йўналишлари рўйхати (фаннинг устувор йўналишлари)
1.10 Лаборатория ходимларининг даврнинг 1 январидан бошлаб эълон қилган нашр ишлари сони сўнги 5 йил бўлган даврдан берилган кунгача____________та, шундан_____ таси “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда эълон қилинган.

*1-илованинг давоми*

1.11 Топшириш муддатигача сўнги 5 йил бўлган даврда лаборатория фаолиятининг асосий натижалари, шу жумладан, янги маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) яратилгани ва такомиллаштирилгани ёки мавжуд технологиялар такомиллаштирилгани ва янгилари яратилгани тўғрисида маълумот.

**Лойиҳа натижаларидан фойдаланиш ҳақида маълумот**

1.12. Ҳамкорларнинг лойиҳада режалаштирилган натижалардан ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиши, жумладан, улардан фойдаланиш усуллари, лойиҳадан кутилаётган натижаларни амалиётга татбиқ қилиш асосида янги яратилган ёки такомиллаштирилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар); янги яратилган ёки мавжудлари такомиллаштирилган технологиялар; лойиҳа натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишни таъминлайдиган *(агар мавжуд бўлса, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади)* илмий ва технологик захираларни шакллантириш ҳақида маълумот.

**Лойиҳа раҳбари ва ташкилот раҳбари қуйидагиларни тасдиқлайди:**

- илмий жамоанинг барча аъзолари (шу жумладан, лойиҳа раҳбари) танлов ҳужжатларининг 6-, 7-, 13-бандларини бажаради;
- лойиҳани амалга оширишнинг бутун даври давомида лойиҳа раҳбари ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлади, меҳнат шартномаси ишни масофадан туриб бажариш бўйича тузилмайди;
- лойиҳа мазмунан бошқа лойиҳалар билан бир хил эмас, бир вақтнинг ўзида илмий жамғармалар ва бошқа ташкилотларнинг танловларига тақдим этилмаган;
- лойиҳада давлат сири бўлган ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муҳофаза қилинадиган, чекланган маълумот сифатида таснифланган маълумотлар мавжуд эмас;
- лойиҳани амалга ошириш ва грант маблағларидан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар Вазирликка ўз вақтида тақдим этилади;
- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳа мавзуси бўйича ёш олимлар мактабини ташкил этилади ва унда беш нафар етакчи олим маърузачи, 40 ёшгача бўлган камида йигирмага яқин ёш олим тингловчи сифатида иштирок этади. Тадбирларни ўтказиш бўйича дастурлар ва ҳисоботлар "Интернет" ахборот-телекоммуникация тармоғи орқали ташкилот веб-сайтига жойлаштирилади;

**Лойиҳа раҳбари имзоси**

**Ташкилот раҳбари имзоси**

Ташкилот муҳри

*1-илованинг давоми*

## 2-шакл намунаси. Лойиҳа раҳбари ҳақида маълумот

**2-ШАКЛ**

**Лойиҳа раҳбари ҳақида маълумот**

2.1 Фамилияси, исми, шарифи
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
WoS Researcher ID_ *(мавжуд бўлса)*
Scopus Author ID *(мавжуд бўлса)*
2.2 Туғилган йили *(рақамларда кўрсатилади – сана, ой, йил)*
2.3 Фуқаролиги
2.4 Илмий даражаси, берилган йили_

2.5. Илмий фаолият учун олган мукофотлари, етакчи илмий жамоаларга аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли илмий журналларнинг таҳририят кенгашига аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли халқаро конференцияларнинг ташкилий ёки дастурий қўмиталарида иштирок этганлиги, халқаро тадбирларни ташкил қилишдаги бошқа тажрибалари.

2.6. Ариза берилаётган вақтдаги асосий иш жойи – ташкилотнинг тўлиқ номи, лавозими (ташкилотнинг қисқартирилган номи).

Илмий қизиқишлари соҳаси – калит сўзлар *(калит сўзлар 15 тадан ортмасин)*
*ўзбек тилида*
*рус тилида*

2.7. Илмий қизиқишлари доираси – фан соҳаларида

2.8. Танлов ҳужжатларининг 9-банди шартлари бажарилишини тасдиқлаш учун лойиҳа раҳбари томонидан сўнги 5 йил мобайнида чоп эттирилган нашр ишлари рўйхати.

Ушбу рўйхат “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган нашр ишларини ўз ичига олади.

Иккинчи *квартилга кирувчи* рўйхат *(Қ1)* Scopus SJR бўйича JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition нашрларида эълон қилинган __та нашр ишидан иборат.

2.9. Лойиҳа раҳбарининг сўнги 5 йил бўлган даврдаги асосий илмий натижалари *(аризадаги маълумотлар натижалар, масалан, нашр ишлари билан тасдиқланиши керак).*

2.10. Сўнги 5 йил мобайнида эълон қилинган нашр ишларининг умумий сони _____. Шундан, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилгани______ та.

2.11. Лойиҳа раҳбари томонидан сўнгги 5 йилда эълон қилинган нашр ишларининг қўшимча рўйхати (монографиялар, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган интеллектуал фаолият натижалари, рецензияланган нуфузли илмий нашрларда, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган илмий ишлари, “Интернет” ахборот-телекоммуникацион тармоғида эълон қилинган илмий ишлар мавжуд бўлса, кўпи билан 10 тасига ҳавола берилади *(индексланган нашрларда бўлиши шарт),* агар мавжуд бўлса, импакт-фактор илмий нашридаги (*JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition)* илмий ишлар кўрсатилади.

2.12. Илмий лойиҳаларни бошқариш ва уни амалга ошириш бўйича тажрибаси (сўнгги 5 йил мобайнида бажарилган лойиҳалар (ташкилот) номи, рақамлари ва муддати, амалга оширишда эришилган муваффақиятлар).

2.13. 20__ йилда иштирок этишни режалаштирган илмий лойиҳалари
Умумий сони _______, шундан: раҳбарлик _____, ижрочи сифатида иштироки ____, аниғи:____________.

*(шу жумладан, грант берувчилар ёки лойиҳа буюртмачилари ва молиялаштириш манбаи, масалан – таъсисчи томонидан қўйилган давлат вазифаси, ДИТЛ грантлари, бошқа хўжалик шартномалари, грантлар ва субсидиялар).*

## 1-илованинг давоми

2.14. Молиялаштириш у орқали амалга ошириладиган ташкилот билан кутилаётган меҳнат муносабати шакли:

*ташкилот асосий иш жойи бўлади;*

*бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида меҳнат шартномаси тузилади.*

Танлов шартлари (шу жумладан, танлов ҳужжатларининг 6-8-бандлари) билан танишдим ва розиман. Лойиҳада иштирок этишимни тасдиқлайман.

| | |
|---|---|
| Фамилияси, исми ва шарифи | |
| | |
| Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилгани) | |
| | |
| | |
| | |
| Яшаш манзили | |
| | |
| | |

Ушбу шаклга ўзим томонимдан киритилган маълумотларни қайта ишлашларига розилигимни билдираман.

Юқоридаги шахсий маълумотларни Вазирликнинг расмий веб-сайтида қайта ишлаш, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш, танловга аризаларини экспертиза учун топшириш, лойиҳалар ва дастурларни экспертизадан ўтказиш, танлов бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, молиялаштиришни олган дастур иштирокчилари ҳақидаги ҳужжатлаштирилган маълумотларни узоқ вақт мобайнида сақлаш орқали молиялаштирилган дастур ва лойиҳалар раҳбарлари тўғрисида маълумотлар ошкор қилиниши мумкин.

**Илмий раҳбар имзоси**

**Имзоланган сана**

*1-илованинг давоми*

## 2а-шакл намунаси. Лойиҳанинг асосий ижрочилари ҳақида маълумот

**2а-ШАКЛ**

**Лойиҳанинг асосий ижрочилари ҳақида маълумот**

2.1 Фамилияси, исми, шарифи
*ўзбек тилида*
*рус тилида*
WoS Researcher ID_ *(мавжуд бўлса)*
Scopus Author ID *(мавжуд бўлса)*
2.2 Туғилган йили *(рақамларда кўрсатилади – сана, ой, йил)*
2.3 Фуқаролиги
2.4 Илмий даражаси, берилган йили_

2.5. Илмий фаолият учун олган мукофотлари, етакчи илмий жамоаларга аъзолиги (агар мавжуд бўлса), нуфузли илмий журналларнинг таҳририят кенгашига аъзолиги (агар мавжуд бўлса).

2.6. Ариза берилаётган вақтдаги асосий иш жойи – ташкилотнинг тўлиқ номи, лавозими (ташкилотнинг қисқартирилган номи).

2.7. Илмий қизиқишлари соҳаси – калит сўзлар *(калит сўзлар 15 тадан ортмасин)*
*ўзбек тилида*
*рус тилида*

2.8. Илмий қизиқишлари доираси – фан соҳаларида

2.9. Сўнги 5 йил мобайнида чоп эттирилган нашр ишларининг умумий сони. Шундан “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган нашр ишлари сони ________ та.

2.10. Лойиҳанинг асосий ижрочиси томонидан сўнгги 5 йилда эълон қилинган нашр ишларининг қўшимча рўйхати (монографиялар, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган интеллектуал фаолият натижалари, рецензияланган нуфузли илмий нашрларда, “Web of Science Core Collection” ёки “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда чоп этилган илмий ишлари, “Интернет” ахборот-телекоммуникацион тармоғида эълон қилинган илмий ишлар мавжуд бўлса, кўпи билан 10 тасига ҳавола берилади *(индексацияланган нашрларда бўлиши шарт)*, агар мавжуд бўлса, импакт-фактор илмий нашридаги (*JCR Science Edition ёки JCR Social Sciences Edition)* илмий ишлар кўрсатилади.

2.11. Илмий лойиҳаларни бошқариш ва уни амалга ошириш бўйича тажрибаси (сўнгги 5 йил мобайнида бажарилган лойиҳалар (ташкилот) номи, рақамлари ва муддати, амалга оширишда эришган муваффақиятлари).

2.12. 20__ йилда иштирок этишни режалаштирган илмий лойиҳалари
Умумий сони _______, шундан: раҳбарлик _____, ижрочи сифатида иштироки ____, аниғи:____________.
*(шу жумладан, грант берувчилар ёки лойиҳа буюртмачилари ва молиялаштириш манбаи, масалан – таъсисчи томонидан қўйилган давлат вазифаси, ДИТЛ грантлари, бошқа хўжалик шартномалари, грантлар ва субсидиялар).*

2.13. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловда ғолиб бўлган тақдирда ушбу лойиҳада иштирок этиш учун ажратиладиган иш вақтининг улуши фоизда.

2.14. Таълим жараёнидаги иштироки *(докторантлар, адъюнктлар, интернлар, ординаторлар, мустақил изланувчиларга раҳбарлик, республика ва хорижий ОТМлари учун янги ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва ўқиш).*

2.15. 20__-20__ йилларда давлат бюджетидан молиялаштирилган лойиҳада раҳбар (ташкилотнинг илмий дастури раҳбари) ёки қуйидаги лойиҳаларда *(агар мавжуд бўлса)* лойиҳа ижрочиси *(ташкилотнинг илмий дастури)* сифатидаги иштироки: ________________________
лойиҳа(лар) раҳбари №__, №__________________________; лойиҳа(лар) ижрочиси №_________, №_______________;

2.16. Боғланиш учун телефон, электрон манзил (E-mail).

*1-илованинг давоми*

## 2а-шакл намунаси. Лойиҳанинг асосий ижрочилари ҳақида маълумот

2.17. Лойиҳадаги иштироки: лойиҳанинг асосий ижрочиси_____________________________
Инновацион ривожланиш вазирлигининг танлов шартлари билан танишдим ва розиман.
Лойиҳада иштирок этишимни тасдиқлайман.

| | |
|---|---|
| Фамилияси, исми ва шарифи | |
| Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари *(серияси, номери, қачон ва ким томонидан берилгани)* | |
| Яшаш манзили | |
| | |
| Ушбу шаклга ўзим томонимдан киритилган маълумотларни қайта ишлашларига розилигимни билдираман.<br>Юқоридаги шахсий маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтида қайта ишлаш, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, тарқатиш, танловга аризаларини экспертиза учун топшириш, лойиҳалар ва дастурларни экспертизадан ўтказиш, танлов бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш, молиялаштиришни олган дастур иштирокчилари ҳақидаги ҳужжатлаштирилган маълумотларни узоқ вақт мобайнида сақлаш орқали молиялаштирилган дастур ва лойиҳалар ижрочилари тўғрисида маълумотлар ошкор қилиниши мумкин. | |

**Лойиҳа ижрочиси имзоси**

**Имзоланган сана**

*1-илованинг давоми*

## 3-шакл намунаси. Ташкилот ҳақида маълумот

**3-ШАКЛ**

**Ташкилот ҳақида маълумот**

(лойиҳа бажариладиган ва молиялаштиришни амалга оширадиган ташкилот)

1.1 Тўлиқ номи *(рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак)*
1.2 Қисқартирилган номи
1.3 Инглиз тилидаги номи
1.4 Ташкилий-ҳуқуқий шакли
1.5 Мулк шакли
1.6 Идоравий мансублиги
1.7 СТИР
1.8 Манзили
1.9 Ҳақиқий манзили
1.10 Ташкилот раҳбарининг лавозими, ФИШ
1.11 Мурожаат учун телефон
1.12 Электрон манзили *(E-mail)*

**Ташкилот раҳбари қуйидагиларни тасдиқлайди:**

- танлов шартлари билан танишиб чиқади, лойиҳа танловда ғолиб бўлса, ташкилот орқали уни молиялаштиришга розилик беради;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга розилигини билдиради;
- лойиҳа раҳбари тўғрисида аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқлайди;

Лойиҳа танловда ғолиб бўлган тақдирда ташкилот қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- илмий жамоа аъзолари билан фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат (муддатли меҳнат) шартномаларини тузиш (лойиҳа раҳбари билан меҳнат шартномаси масофадан туриб ишни бажариш бўйича бўлиши мумкин эмас);
- лойиҳа раҳбари номидан илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун ҳақ тўлаш;
- ҳар йили белгиланган муддатда грант маблағларининг мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

**Ташкилот раҳбари имзоси**

**Ташкилот муҳри**

*1-илованинг давоми*

## 4-шакл намунаси. Лойиҳа мазмуни

**4-ШАКЛ**

**Лойиҳа мазмуни**

4.1. Лойиҳада ҳал этиладиган илмий муаммолар

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.2. Қўйилган муаммони ҳал этишнинг илмий аҳамияти ва долзарблиги

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.3. Лойиҳа ҳал этиладиган муаммонинг миқёси ва мураккаблиги, муаммони ҳал этишга хизмат қиладиган аниқ вазифа(лар). Лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантириш билан боғлиқлиги

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.4. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, қўйилган вазифа(лар)ни ҳал этиш ва режалаштирилган натижаларни олиш имкониятларини асослаш

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.5. Тадқиқот муаммосининг ҳозирги ўрганилиш ҳолати, жаҳон илм-фанидаги илмий-тадқиқот йўналишлари ва илмий рақобатчилар

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.6. Таклиф этилаётган усул ва ёндашувлар, лойиҳанинг бутун даври учун умумий иш режаси ва кутилаётган натижалар (камида 2 бет ҳажмда; кутилаётган аниқ натижалар йиллар бўйича кўрсатилади; умумий иш режаси йилларга тақсимланган ҳолда берилади)

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.7. Лойиҳани амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши режалаштирилган янги маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар), янги технологияларни яратиш ёки қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш ҳақида маълумот

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.8. Илмий жамоада лойиҳа бўйича мавжуд илмий захиралар (*илгари олинган натижалар, ишлаб чиқилган дастурлар ва услублар кўрсатилади)*

4.9. Лойиҳани амалга ошириш учун илмий жамоада мавжуд бўлган ускуналар, материаллар, ахборот ва бошқа манбалар рўйхати *(жумладан, лойиҳани амалга ошириш учун улардан фойдаланиш зарурати кўрсатилади)*

4.10. Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи йилидаги иш режаси *(лойиҳа бўйича режалаштирилган хизмат сафарлари (экспедициялари)ни ўз ичига олган ҳолда)*

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.11. Ҳар бир асосий иштирокчи (жумладан, лойиҳа раҳбари)нинг лойиҳани амалга оширишнинг биринчи йилидаги иш мазмуни

4.12. Биринчи йил охирида кутилаётган аниқ илмий натижалар *(тақдимот шакли лойиҳада кўрсатилган иш режасининг натижаларини экспертизадан ўтказиш ва бажарилиш даражасини баҳолаш имконини бериши керак)*

*ўзбек тилида*

*рус тилида*

4.13. Грант маблағи ҳисобидан лойиҳани амалга ошириш учун сотиб олиниши режалаштирилаётган асбоб-ускуналар, материаллар, ахборот ва бошқа манбалар рўйхати *(лойиҳани амалга ошириш учун улардан фойдаланиш зарурати асослаб берилади)*

4.14. Қўшимча маълумотга эга бўлган 1-файл

4.15. Қўшимча маълумотга эга бўлган 2-файл (1-файлдаги маълумот етарли бўлмаса)

**Лойиҳа раҳбари имзоси**

*1-илованинг давоми*

# 5-шакл намунаси. Лойиҳани амалга ошириш учун сўралаётган молиялаштириш ҳажми

**5-ШАКЛ**

**Лойиҳани амалга ошириш учун сўралаётган молиялаштириш ҳажми**

**Лойиҳа бўйича режалаштирилаётган харажатлар***

| № п.п. | Харажатлар йўналиши | Харажатлар миқдори (минг.сўм) |
|---|---|---|
| | **ҲАММАСИ** | |
| 1. | Меҳнатга ҳақ тўлаш | |
| 2. | Ягона ижтимоий тўлов | |
| 3. | Хизмат сафарлари харажатлари | |
| 4. | Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган бошқа ташкилотларнинг тадқиқот ишлари учун тўлов | |
| 5. | Илмий тадқиқот учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкларни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш) | |
| 6. | Илмий тадқиқот учун материаллар ва бутловчи қисмларни сотиб олиш харажатлари | |
| 7. | Лойиҳани амалга ошириш учун бошқа харажатлар | |
| 8. | Ташкилотнинг устама харажатлари | - |

**Лойиҳа раҳбари имзоси**

**Ташкилот раҳбари имзоси**

**Ташкилот мухри**

**Режалаштирилган харажатлар ва уларнинг асосланиши**

**5.1-шакл**

**Меҳнатга ҳақ тўлаш**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

| Лойиҳа бўйича лавозими | Ойлик иш ҳақи | Иш давомийлиги (ойларда) | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Раҳбар | | | | | |
| Катта илмий ходим | | | | | |
| Кичик илмий ходим | | | | | |
| ... | | | | | |
| Ойлик чегирмалар (25%) | | | | | |
| Жами (ойлик + чегирмалар) | | | | | |

## 1-илованинг давоми

**5.2-шакл**

**Хизмат сафарлари харажатлари**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

| Манзил (вилоят, шаҳар) | Борувчилар сони | Йўл ҳақи | Меҳмонхона | Бошқа харажатлар (қандай) | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Республика ичида | | | | | |
| Хорижда | | | | | |
| Жами | | | | | |

**5.3-шакл**

**Хизмат сафарларининг асосномаси**

| Манзил (вилоят, шаҳар) | Борувчилар сони | Хизмат сафаридан мақсад |
|---|---|---|
| 1. | | |
| 2. | | |
| ... | | |

**5.4-шакл**

**Илмий тадқиқотлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш учун харажатлар (шу жумладан, ходимларни ўқитиш, ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш ва таъмирлаш ишларини бажариш)**

*(йиллар бўйича алоҳида жадвалларда кўрсатилади)*

| Харажат йўналишлари | Миқдори (дона,кг.) | Бирлик товар нархи | Жамғарма маблағи | Ҳиссадор маблағи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Канцелярия товарлари: | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| ОРГ техника воситалари: | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| Ахборот ва коммуникация хизматлари | | | | | |
| Асбоб-ускуналар: | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| Инвентарлар сотиб олиш: | | | | | |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |

**5.5-шакл**

**Сотиб олиниши режалаштирилган хомашё, асбоб-ускуналар ва техник воситаларнинг асосномаси**

| Харажат йўналишлари | Сотиб олиниши режалаштирилаётган маҳсулот нима учун хизмат қилади |
|---|---|
| 1. | |
| 2. | |
| ... | |

*•Харажат турлари ҳар бир лойиҳанинг мазмуни ва хусусиятидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин. Бошқа ташкилотлар томонидан бажариладиган хизмат турларига эҳтиёж бўлса, хизмат учун тўлов миқдори ва асосланмаси келтирилади.*

*1-илованинг давоми*

## 6-шакл намунаси. Интеллектуал фаолият натижаларининг индикатор кўрсаткичлари

**6-ШАКЛ**

**Интеллектуал фаолият натижаларининг индикатор кўрсаткичлари**

| № | Индикаторнинг номланиши | Даражаси | |
|---|---|---|---|
| | | Режа | Факт |
| 1 | Scopus/WoS рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар сони | | |
| 2 | ОАК рўйхатидаги мақолалар сони | | |
| 3 | РИНЦ рўйхатидаги мақолалар сони | | |
| 4 | Умумий сонга нисбатан ёш ижрочиларнинг нисбати, % | | |
| 5 | Бакалавриат йўналишида тайёрланган битирув малакавий ишлари сони | | |
| 6 | Тайёрланган магистрлик диссертацияларининг сони | | |
| 7 | Тайёрланган докторлик диссертацияларининг сони (PhD) | | |
| 8 | Эълон қилинган монографиялар сони | | |
| 9 | Эълон қилинган ўқув қўлланмалар сони | | |
| 10 | Эълон қилинган дарсликлар сони | | |
| 11 | Маҳаллий ихтиролари сони | | |
| 12 | Халқаро ихтиролари сони | | |
| 13 | Ҳимоя қилинган диссертация ишлари, жумладан, магистрлик диссертациялари | | |
| 14 | Натижаларни татбиқ этишнинг самаралари | | |
| 15 | Умумий молиялаштириш ҳажми млн.сўм | | |

*2-илова*

# Давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳала мавзусини Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси тегишли бошқарма томонидан экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулоса намунаси

**Давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳала мавзусини Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси** *(тегишли бошқарма)* **томонидан экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича**

*(№-ВМҚ-133 га мувофиқ)*

**ХУЛОСА**

| | |
|---|---|
| **Таклиф этилган мавзу ва унинг устувор йўналишларга мослиги** | |
| **Бошқарма томонидан қабул қилинган сана** | |
| **1. Илмий-тадқиқот лойиҳаси мавзуси ташаббускори** | |
| **2. Манфаатдор ташкилотнинг йўлланма хати рақами ва санаси** | |
| **3. Қўлга киритилиши режалаштирилаётган якуний натижа (маҳсулот, ишланма, технология)нинг тавсифи** | |
| **4. Эҳтиёжнинг мавжудлиги (етарлилиги) тўғрисида таҳлилий кўрсаткичлар** | |
| **5. Хорижий аналогларидан қиёсий устунлигини кўрсатувчи индикаторлар** | |
| **6. Таклиф этилаётган мавзу доирасида илгари бажарилган (бажарилаётган) фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг мавжудлиги** *(агар мавжуд бўлса)* | |
| **7. Лойиҳа бажарилиши натижасида илмий, амалий ва инновацион ечимларнинг жорий этилиши бўйича манфаатдор ташкилотнинг розилик хати мавжудлиги** | |
| **8. Манфаатдор ташкилот Илмий кенгаши ёки ФА, ёки ОТМ тасарруфидаги илмий кенгашларининг шакллантирилган илмий масала юзасидан хулосаси** | |
| **9. Зарур ҳолларда мавзу ташаббускорини жалб қилган ҳолда мавзуни таҳрирдан ўтказиш натижалари** | |

*2-илованинг давоми*

**ЭКСПЕРТИЗА НАТИЖАЛАРИГА КЎРА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН МАВЗУ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА:**

**1. Бошқарма томонидан тавсия этилган (шакллантирилган) мавзу матни**

❑ **Тавсия этилади (** √ *белгиси қўйилсин*)

**2. Изоҳ (***лойиҳа илмий ва амалий ечимларни тўлиқ мужассамлаштирган ҳамда иқтисодиётнинг мафаатдор тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган маҳсулот ёки ишланма, технология ва бошқалар ишлаб чиқарилиши ва яратилиши билан боғлиқ бўлиши шарт*)

❑ **Тавсия этилади (** √ *белгиси қўйилсин*)

**Эксперт-бошқарма масъул ходими** (Ф.И.Ш, лавозими) ________________________

**Бошқарма бошлиғи (Ф.И.Ш.)** ________________________

**Сана** ________________________

*3-илова*

# ЎзР Инновацион ривожланиш вазирлигига давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари танловига топширилган лойиҳалар бўйича техник экспертиза хулоса намунаси

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига бажарилиши 20__-20__ йилларга мўлжалланган давлат буюртмаси бўйича амалга ошириладиган тематик илмий-тадқиқот лойиҳалари танловига топширилган лойиҳалар бўйича**
**ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ**

**Лойиҳанинг регистрация рақами №** ________________________________________________
**Лойиҳанинг номи**________________________________________________________________
___________________________________________________________________________________
**Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши номи:**
___________________________________________________________________________________

**Лойиҳани техник экспертизадан ўтказиш мезонлари:**

| № | Мезон ва талаблар** | Белгиланган талабга* | |
|---|---|---|---|
| | | жавоб беради | жавоб бермайди |
| 1. | Ижрочи ташкилотнинг йўлланма хати мавжудлиги | | |
| 2. | Ижрочи ташкилот Илмий (Илмий-техник) Кенгашининг лойиҳа танловга тавсия этилганлиги ҳақида қароридан (хулосадан) кўчирма мавжудлиги | | |
| 3. | Лойиҳада талаб этилган шакллар бўйича, жумладан: | - | - |
| 3.1. | 1-шакл – лойиҳа тўғрисида маълумот мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 3.2. | 2 ва 2а-шакл – лойиҳа раҳбари ва ижрочилари ҳақида маълумот мавжудлиги ва уларнинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 3.3. | 3-шакл – ижрочи ташкилот ҳақида маълумот мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 3.4. | 4-шакл – лойиҳа мазмуни ҳақида маълумот мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 3.5. | 5-шакл – лойиҳани амалга ошириш учун сўралаётган молиялаштириш ҳажми ҳақида маълумот мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 3.6. | 6-шакл – Интеллектуал фаолият натижаларининг индикатор кўрсаткичлари ҳақида маълумот мавжудлиги ва уларнинг расмийлаштирилиши ўрнатилган талабларга мувофиқлиги | | |
| 4 | Танлов учун тақдим этилган лойиҳа мамлакатни ва/ёки ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари ечимига қаратилганлиги | | |

**тегишли қаторларда “жавоб беради” ёки “жавоб бермайди” сўзларидан бири тўлиқ ёзилиши талаб этилади.*
*** баҳолаш мезон ва талаблари танлов эълони ва ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади.*

Техник экспертиза бўйича якуний хулоса_____________________________________________
(жавоб беради, қисман жавоб беради, жавоб бермайди)
Тавсия этиладиган “Фан йўналиши бўйича ИТК” номи__________________________________
Эксперт_______________________________________________________________________
(Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли бошқармаси масъул ходими Ф.И.Ш.)

Сана “____”_______________20__ й. Имзо____________

*4-илова*

# Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови эълони матни намунаси

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Техника фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Амалий лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми*** |
| **1** | **2** | **3** | **4** |
| | Паст босимли сув оқимларида ишловчи микро-ГЭСлар учун айланишлар сони кам бўлган (100-200 айл./дақ.) генератор конструкциясини ишлаб чиқиш.<br><br>*ГЭС схемаси. Бу ерда, 1– сув оқими; 2 – қурилма каркаси; 3 – сув оқими тутиб турувчи корпус; 4 – паррак; 5– вал; 6 – пўлат ўзак; 7 – редуктор; 8 – генератор; 9 – тасмали узатма; 10 – электр қувватини назорат қилиш блоги* | **Тадқиқот шакли:** Оптимал параметрлар ва иш режимларига асосланган паст босимли сув оқимларида ишловчи микро-ГЭС учун генератор (100-200 айл./дақ.) конструкциясини ишлаб чиқиш.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- паст босимли сув оқимларида ишловчи микрогидрогенератор конструкциясининг мақбул ўлчами математик моделлаштириш орқали аниқланади;<br>- паст босимли сув оқимларида ишловчи қурилманинг конструктив параметрларини математик моделлаштириш ва сув оқими миқдорини инобатга олиб иш режимини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилади;<br>- генераторнинг деталлар ўлчамларини паст босимли сув оқимларига мослаштириш асосида такомиллаштирилган функционал схемаси ишлаб чиқилади;<br>- паст босимли сув оқимларида ишловчи қурилманинг конструктив ҳужжатлари (КД, ОКР) ишлаб чиқилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш ва жорий қилиш:**<br>- лаборатория шароитида паст босимли сув оқимларида ишлайдиган микро-ГЭС генераторининг конструкциясини ишлаб чиқилади;<br>-тажриба-синов ишларини ўтказилади ва натижаларни таҳлил этилади;<br>- айланишлар сони кам бўлган (100-200 айл./дақ.) генераторни тажриба намунасини тайёрланади.<br>- тадқиқот натижалари тижоратлаштиришга ва ишлаб чиқаришга йўналтирилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,4 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,4 млрд сўм** |

***Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.***



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2020